

**ПАХТА СЕЛЕКСИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСВАЛИЕВ ОЙБЕК ТУРҒУНОВИЧ**

**УРУҒ МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРАЙДИГАН КУЯЛАР  
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАР СОНИНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Table of Contents of doctor's philosophy dissertation abstract (PhD) on agricultural sciences**

**Усвалиев Ойбек Турғунович**

Уруғ мевали боғларда учрайдиган куялар биоэкологияси ва улар сонини бошқариш усуллари.....3

**Усвалиев Ойбек Турғунович**

Биоэкология молей, встречающихся в семечковых садах и методы управления их численностью.....21

**Usvaliyev Oybek Turgunovich**

Bioecology of moths found in polm fruit orchards and methods of managing their numbers.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ПАХТА СЕЛЕКСИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСВАЛИЕВ ОЙБЕК ТУРҒУНОВИЧ**

**УРУҒ МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРАЙДИГАН КУЯЛАР  
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАР СОНИНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Qx1282 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Саидов Истам Рустамович</b> кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хўжаев Шомил Турсунович</b> кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор <b>Рахмонова Мадина Кимсанбоевна</b> кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Академик Махмуд Мирзаев номли боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти</b>

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.05/30.12.2019.QX.42.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: [paxta.uz@mail.ru](mailto:paxta.uz@mail.ru).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Ҳасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Ж.Ҳ.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунё бўйлаб етиштириладиган уруғ мевалилар навларининг асосий қисмини ҳонаки олма (*Malus domestica* Voznh.) тури ташкил этади. Олма юздан ортиқ мамлакатларда етиштирилади, мисол учун 2020 йили Хитой 40 500 000 тонна, АҚШ 4 554 486 тонна, Туркия 4 300 486 тонна, Польша 3 554 486 тонна, Ҳиндистон 2 734 000 тонна, Италия 2 462 440 тонна, Эрон 2 206 723 тонна, Россия 2 040 700 тонна, Франция 1 619 880 тонна, Чили 1 619 575 тонна ҳосил етиштирган. Ўзбекистонда 2000 йил 453000 тонна, 2010 йили 712 000 тонна, 2016 йили 1 120 209 тонна, 2019 йили 1 124 017 тонна, 2020 йили 1 148 455 тонна ва 2022 йили 1 313 233 олма етиштирилган (ФАО)<sup>1</sup>. Шунга қарамасдан ҳар йили етиштирилган ҳосилнинг маълум бир қисми йўқотилмоқда.

Жаҳон аҳолиси сонининг ортиб бориши, мева маҳсулотлари ҳажмини кўпайтиришни тақозо этади. Зарарли организмлар таъсири натижасида зарар миқдорини камайтириш, ҳосилдорликни ошириш, сифатли ва экологик тоза маҳсулотларни етиштиришда қатор муаммолар юзага келмоқда. Жумладан, улар зарарини фақатгина кимёвий воситалар ёрдамида зарарсизлантириш, атроф-муҳит ва иссиққонли организмларга таъсири юқори эканлиги ҳозирги кундаги глобал муаммолардан биридир. Шунга кўра кўплаб давлатларда зараркунанда турларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш мақсадида зараркунандаларнинг морфологияси ва биологик ривожланиш хусусиятларига кўра замонавий биологик хоссага эга бўлган зараркунандага юқори таъсирли ва иссиққонли организмларга кам таъсирли, воситаларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг 2-бандида “...озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш...” стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган<sup>2</sup>. Республикамиз қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида янги ташкил этилган олма боғларининг ҳажми 35,2 минг гектар майдонни ташкил этган ва экспорт ҳажми 17% га ортган. Мамлакат миқёсида ҳар йили қўшимча равишда 25-30 минг гектар боғлар барпо этилиб, буларнинг катта қисмини олма ва бошқа уруғ мевалилар ташкил этади. Ҳозирги кунда экспорт салоҳиятининг йилдан-йилга ошаётганлигини назарда тутиб, сифатли ва экологик тоза маҳсулот етиштириш учун, боғдорчиликнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида муҳим тадқиқотларни амалга ошириш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

<sup>1</sup><https://www.fao.org/platform-food-loss-waste/flw-data/ru>

<sup>2</sup>“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 15 июлдаги ПҚ-5185-сон “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида” ги қарорлари ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Уруғ мевали боғларда учровчи асосий зараркунандаларнинг биоэкологияси бир неча асрлардан бери ўрганиб келинади. Уруғ мевали боғларга зарар етказувчи зарарли организмларнинг тур таркиблари ва уларга қарши кураш усуллари устида бир қанча илмий-тадқиқот ишлари олиб борилганлигига қарамадан, бугунги кунда боғлардан олинаятган ҳосил талабга жавоб бермайди.

Марказий Осиё шароитида боғ зараркунандалари ва уларга қарши кураш тадбирларини ўрганиш юзасидан дастлаб Я.В.Чугунин, Н.Михайлова, В.Н.Корчагинлар *Lepidoptera* туркуми биологиясини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар ўтказишган. Шунингдек, мевали боғларнинг зараркунандалари жумладан, олма ва мева куялари И.К.Махновский, Г.Ф.Гузеев, В.В.Яхонтов, И.З.Лившиц, С.М.Поспелов, Р.А.Олимжоновлар томонидан ўрганилиб, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларининг биологияси ва уларга қарши кураш чоралари бўйича тавсиялар берилган. А.Л.Амбросов, В.В.Болотникова, О.С.Мерцалова, Б.П.Адашкевич, З.К.Одилов, Х.Р.Мирзалиевалар эса зараркунанда куяларнинг табиий кушандалари тур-таркиби ва табиатдаги зичлигини таҳлил этганлар, Ш.Т.Хўжаев., Х.Х.Кимсанбоев, Т.Атамирзаева, А.У.Сагдуллаев, О.Эшматов, С.Дўсманов, Д.Обиджонов, А.Х.Юсупов, Х.М.Шукуров, М.К.Рахмонова ва бошқа олимлар томонидан боғ зараркунандаларининг биоэкологияси ва уларга қарши кураш тадбирлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. МДХ мамлакатлари олимлари В.П.Васильев, В.А.Лукин, К.А.Мамаев, Г.К.Ленский, В.П.Соболева, М.Е.Подгорная, Г.Б.Якуба, С.Р. Черкезова, Г.Б. Танабекова ва бошқалар боғ экинларида учрайдиган зараркунандаларни ўрганишга катта ҳисса қўшган.

Уруғ мевали боғларда учровчи зараркунанда ва уларнинг энтомофаглари устида хорижий олимлардан Thomas Dubois, R.H.Collier, T.H.Coaker,

R.H.Gollier, K.Phelps, *Lepidoptera* туркумининг систематик таҳлили бўйича S.Finch, D.J.Mowat, S.Clawson, T.S.Eremenko, H.J.Dijkerman, Jang Hoon Lee, Lawrence Ertle, Kenneth Swan, Roger Fuester, Eric LaGasa, Ulrich Kuhlmann ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, уруғ мевали боғларда айнан куяларга қарши тадқиқотлар олиб борилмаган, олиб борилган тадқиқотлар эса уйғунлашган кураш тизимини, қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни талаб қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Ўсимликлар химояси ва карантини кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қишлоқ хўжалик экинларини карантин ости организмларидан атроф-мухитга зарарсиз кураш чораларини ишлаб чиқариш ва фитосанитар ҳолатини назорат қилиш истиқболлари” (2018-2021) ҳамда “Замонавий кимёвий воситалар мўл ҳосил гарови” мавзулари доирасида бажарилган (2020-2023).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Уруғ мевали боғлар агробιοценозида куялар турларини ўрганиш, уларнинг тарқалиши, “хўжайин-энтомофаг” муносабатларининг шаклланиши, зарари ва уларга қарши уйғунлашган кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тошкент ва Наманган вилоятларининг тоғ ва тоғ олди худудларида етиштирилаётган уруғ мевали боғларда учровчи куяларнинг фитофаглик хусусиятлари, ривожланиши ва турли популяцияларнинг фарқланишини аниқлаш;

ҳашаротларнинг 5 та оиласига мансуб: *Yponomeutidae*, *Cemistomidae*, *Coleophoridae*, *Gracillariidae* ва *Lithocolletidae* зараркунандаларнинг биоценоз ва агробιοценоздаги ривожланишига таъсир этувчи “хўжайин-паразит” муносабатларини таҳлил этиш, биологик хусусиятларини, учрашини ва амалий аҳамиятини ўрганиш;

куяларнинг самарали энтомофаг турларини биологическая шароитида кўпайтириш ва тарқатиш тартибини ишлаб чиқиш;

куяларнинг агробιοценозда ривожланишига турли хил агротехник тадбирлар ва кимёвий воситаларнинг таъсирини аниқлаш;

ишлаб чиқилган кураш чораларининг биологик, хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент ва Наманган вилоятлари шароитида куялар оиласига мансуб *Yponomeutidae*, *Cemistomidae*, *Coleophoridae*, *Gracillariidae* ва *Lithocolletidae* олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида куя ҳашаротларининг тур таркиби, ривожланиш хусусиятлари, зарари ҳамда дарахт ва меваларни улардан химоя қилишда агротехник, биологик ва кимёвий усуллар асосида уйғунлашган химоя қилиш тизимини такомиллаштириш.

**Тадқиқот усуллари.** Энтомологик ҳисоблар ва кузатувлар В.Яхонтов, Г.Я.Бей-Биенко, Н.В.Бондаренко, А.А.Захваткин, В.П.Васильев, И.З.Лившиц, С.А.Муродов, зараркунандаларнинг зичлиги Г.Ф.Гузеев, И.К.Махновский,

Ш.Т.Хўжаев, энтомофагларнинг доминантлик сони эса, К.К.Фасулати, С.Н.Алимухамедовнинг услублари асосида, энтомофагларнинг сифат кўрсаткичлари Б.П.Адашкевич услуби бўйича, лаборатория ва дала тажрибаларида биологик самарадорлик назорат вариантини ҳисобга оладиган W.S. Abbott формуласига мувофиқ аниқланган. Олинган натижалар К.Гар, Б.А.Доспехов ва Г.Ф.Лакин услублари ёрдамида математик ва статистик таҳлил қилинган. Алоҳида ҳолатларда “ўртача хатоликни” ( $\pm m$  ва  $\check{S}$ ) ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

уруғ мевали боғларда куяларнинг Тошкент вилояти шароитида 7-тури, шундан 4-тури учраш даражасига кўра умумий популяцияни 74,4%ни ва Наманган вилояти шароитида эса 6-тури доминант эканлиги ҳамда 4-тури умумий популяциянинг 79,1%ни ташкил этиши, биологик хусусиятлари, турли шароитлардан келиб чиққан ҳолда фенологик ривожланиш муддатлари, ҳудудлар бўйича популяцияларининг тарқалиши, зичлиги ва зарари аниқланган;

боғларда олма, нок ва беҳи дарахтларини ривожланишига агробио-ценоздаги таъсир этувчи омиллар, энтомофаг турларининг систематик таҳлили, биологик хусусиятлари ва *Ageniaspis fuscicollis* Dalm, *Liotryphon punctulatus* W, *Bassus pumila* Ratz паразитларининг зараркунандаларга нисбатан ихтисослашганлиги аниқланган;

зараркунандаларга қарши кураш тадбирларини ўтказишда экстенсив ёки интенсив равишда ўстирилаётган олма, нок ва беҳи навлари фарқ қилмаган равишда, куялар билан зарарланиши ўртача 20% дан ошганда иқтисодий зарарли миқдор мезони вужудга келиши ва ҳимоя ишловини ўтказиш иқтисодий ўзини оқлаши илмий жиҳатдан асосли эканлиги аниқланган;

табиатда куяларнинг 4-туркум, 8-оила ва 37-турга мансуб самарали энтомофаг турлари аниқланиб, тадқиқотлар олиб борилган тажриба бўлақларига қўшимча равишда олтинкўз, бракон ва трихограмма тарқатиш натижасида олинган умумий ўртача самарадорлик 45,9% ни, табиатдаги энтомофауна зичлиги ортиб бориши эса энтомофаг-хўжайин мувозанатларининг шаклланиши натижасида зараркунандаларни иқтисодий зарар миқдор мезонидан ошмаган ҳолда бошқара олиши илмий жиҳатдан асосланган;

уруғ мевали боғларни зараркунанда организмлардан ҳимоя қилишнинг агротехник усуллари ва воситалари *Palintest* ҳамда *Akvadonis* мобил лабораторияларидан фойдаланилган ҳолда такомиллаштирилган;

боғларни ҳимоя қилишда уйғунлашган тизимда ишлатиш учун инсектицидлар танлаб олиниб, амалиётга жорий қилинган;

уруғ мевали боғларда куя зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш тизимининг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

уруғ мевали боғлар агробиоценозида энтомофагларни қўллашнинг илмий асосланган меъёрлари ва муддатлари, уларнинг биологик фаоллигини

оширувчи омиллар аниқланган, энтомофаг турларига нисбатан кам захарли инсектицидлар танлаб олинган ҳамда қўллаш муддат ва меъёрлари аниқланиб, ишлаб чиқарилган;

уруғ мевали боғларда учрайдиган турли хил куяларнинг сонини камайтиришда феромон тутқичлардан фойдаланиш натижасида 15-20% гача, олтинкўз 1:10 нисбатда қўлланилганда 55,2%, браконни 1:10 нисбатда тарқатишда 40-45% ва трихограмма 1,0-1,5 г/га қўлланилганда 39 % гача биологик самарага эришилган, *Palintest* ҳамда *Akvadonis* мобил лабораторияларидан фойдаланилган ҳолда уруғ мевали дарахтларнинг озуқага тўйинганлик даражасига қараб кейинги йилларда олиб бориладиган ўғитлаш учун керакли таркиб комбинациялаши натижасида сарф-харажатлар икки баробаргача камайишига эришилган. Юқоридаги маълумотлар натижасига кўра илмий асосланган уйғунлашган кураш тизими тавсия қилинган;

уруғ мевали дарахтларни куя ва бошқа зараркунандалардан бир йўла ҳимоя қилиш учун куйидаги инсектицидлар тавсия қилинган: Матрин Био 1,0-1,5 л/га, Crompton KS, 48% эм.к. – 0,25 л/га, Макс, 55% с.э.г. – 0,15 кг/га, Радиант, 12% к.с. – 0,5 л/га ва Люфокс – 1,2 л/га;

куяларнинг миқдорини уйғунлашган ҳимоя қилиш натижасида Тошкент вилояти шароитида гектаридан ўртача 5,7-6,2 тонна ва Наманган вилоятида эса 4,2-5,5 тонна кўпроқ ҳосил олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Лаборатория ва дала тажрибалари ўсимликларни ҳимоя қилиш ва энтомологияда умумқабул қилинган ва замонавий услублар асосида олиб борилганлиги, тажрибалар ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг ОАК эътироф этган илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқотининг амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент вилояти шароитида куяларнинг 7-тури ва Наманган вилояти шароитида 6-тури учраши, уруғ мевали боғ агробιοценозида учрайдиган зараркунанда куяларнинг биологик хусусиятлари, ривожланиш динамикаси ва уларнинг табиий кушандаларининг асосий турлари, самарадорлиги, тарқалиши, “хўжайин-энтомофаг” муносабатларининг шаклланиши, зараркунанда куялар миқдорини бошқариш усуллари такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, уруғ мевали боғлар агробιοценозида куя зараркунандаларининг миқдорини бошқариш усуллари самарадорлиги оширилган, хўжалик ва иқтисодий самарага эришилган. Шу билан бирга, *Palintest* ҳамда *Akvadonis* мобил лабораторияларидан фойдаланилган ҳолда уруғ мевали дарахтларнинг тупроқда ва баргдаги макро ва микро элементларга бўлган талаби ўрганилиши қишлоқ хўжалик энтомологияси ва ўсимликларни уйғунлашган

химоя қилиш соҳасини назарий ва амалий жиҳатдан бойитиш, боғдорчиликда юқори сифатли ва экологик тоза мева маҳсулотларини олиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент ва Наманган вилоятларида уруғ мевали боғларда учрайдиган куялар биоэкологияси ва улар сонини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“Уруғ мевали боғларда учрайдиган куялар биоэкологияси ва улар сонини бошқариш усуллари” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 27 майдаги 05/05-02-354-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчиликка ихтисослашган агрокластер ва фермер хўжаликларида куяларга қарши кураш олиб боришда қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Боғ агробιοценозида куяларга қарши курашда Матрин Био 1,0-1,5 л/га, Crompton KS 48% эм.к. – 0,25 л/га, Макс 55% с.э.г. – 0,15 кг/га, Радиант 12% к.с. – 0,5 л/га ва Люфокс –1,2 л/га препаратларини қўллаш Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида “Нуркен Батир” ф/х 52 га, Бўстонлик туманида “Бурчмулла давлат ўрмон хўжалиги” Чотқол бўлимида 5 га, “Ўктамбой Нортой боғи” ф/х 10,7 га, “Сейдали Маназаров” ф/х 10 га, Юқори чирчиқ туманида “Жаппар Женисбек агро” ф/х 5,5 га, жами 83,2 га (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 27 майдаги 05/05-02-354-сонли маълумотномаси). Натижада олма боғларида куяларга қарши курашда биологик самарадорлик 91,2-95,3% ни ташкил этиб, Тошкент вилоятида 5,7-6,2 т/га қўшимча олма ҳосил олишга эришилган.

Наманган вилоятининг Поп туманида “Поп Султон Мурод” ф/х 17 га, Чуст туманида “Говасой навнихол” ф/х 6 га, “Йўлдошбой Адолат” ф/х 10 га, “Мархамат” ф/х 15 га, “Ачапошша” ф/х 3 га, “Чуст Валижон Халима” ф/х 13,5 га, “Марулов Саидакбар” ф/х 5 га, жами 69,5 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 27 майдаги 05/05-02-354-сонли маълумотномаси). Натижада олма боғларида куяларга қарши курашда биологик самарадорлик 91,2-95,3% ни ташкил этиб, Наманган вилоятида 4,2-5,5 т/га қўшимча олма ҳосили олишга эришилган.

Боғ агробιοценозида куяларга қарши табиий кушандалар олтинкўз 1:10, бракон 1:10 нисбатларда ва трихограммани 1-1,5 г/га ишлатиш Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани “Бурчмулла давлат ўрмон хўжалиги” Чотқол бўлимида 5 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 27 майдаги 05/05-02-354-сонли маълумотномаси). Бунда энтомофаглар самарадорлиги 20-кун 45,9% ни ташкил этиб, табиий кушандалар билан биргаликда куялар сонини 70-75% бошқариши, сарфланган бир сўмни оқланиши 4,2-4,9 мартани ташкил этганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Лаборатория ва дала тажрибалари ҳар йили Тошкент давлат аграр университети махсус

апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шундан маҳаллий журналларда 3 та, халқаро журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек илмий анжуманларда 6 та мақола ва тезислар, 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмет ва объектлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Уруғ мевали боғларда учровчи куяларнинг тур таркиби, биоэкологияси, зарари ва уларнинг сонини бошқариш усуллари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи сифатида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлил қилиниб, мевали дарахтлар билан озуқа занжирига боғлиқ бўлган куя-зараркунандаларнинг ҳилма-хиллиги, уларнинг қисқача таърифи келтирилган. Зараркунанда сонининг табиий бошқарилиши ва кураш восита - усуллари қайд этилган. Уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими ҳақида тушунча берилиб, мавжуд муаммолар мажмуи келтирилган ва мавзунинг долзарблиги асосланган.

Жаҳон ва мамлакатимиз олимлари ўзларининг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида куяларнинг ўнта оилага мансуб, юздан ортиқ турлари учрашини таъкидлашган. Яъни, бу оилаларга мансуб зараркунандаларнинг биоценоз ва агробиоценоздаги ривожланишига таъсир этувчи омиллар уруғ мевали дарахтларга етказадиган зарарини ошириб, ҳосил сифати ёмонлашишига олиб келиши таъкидланган. Боғ агробиоценозида куяларнинг кўплаб йиртқич ва паразит турлари борлиги, уларни амалий аҳамияти аниқланган. Интродукция қилинган ва иқлимлаштирилган энтомофаг турларини биологический лабораторияларда кўпайтириш йўллари тавсия этилган. Фан ютуқларига суянган ҳолда кемирувчи ва кўпинча ғовак ҳосил қилиб барг ва меваларни шикастловчи куя ҳашаротларига қарши трансламинар таъсир қилиш қобилиятларига эга самарали инсектицидларни синаб жорий этиш тавсия этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларнинг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари”** деб аталган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Тадқиқотлар 2020-2023 йиллар

мубойнида Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳудудларида ўтқазилган. Бунга боғлиқ равишда, диссертацияда мазкур вилоятларнинг тупроқ-иклим хусусиятлари, шунингдек, боғларнинг тур таркиби ва аҳамияти тўғрисида қисқача тавсиф берилган. Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент ва Наманган вилоятларининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги уруғ мевали боғлар ва уларнинг ҳосилдорлигида куя ҳашаротларнинг аҳамиятини аниқлаш олинган. Тадқиқотнинг предмети сифатида эса, куя ҳашаротларнинг тур таркиби, ривожланиш хусусиятлари, зарари ҳамда дарахт ва меваларни улардан ҳимоя қилишнинг агротехник, биологик ва кимёвий усуллари асосида уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш олинган.

Диссертация ишида лаборатория ва дала тажрибалари энтомология ва агротоксикологияда умумқабул қилинган усул ва услублар ёрдамида ҳамда лаборатория-дала тажрибаларидан фойдаланган ҳолда бажарилган (Хўжаев, 2004; Хўжаев ва б., 2023). Энтомологик ҳисоб-китоблар ва кузатув жараёнлари В.В.Яхонтов, Г.Я.Бей-Биенко, Н.В.Бондаренко, И.З.Лившиц, Г.Ф.Гузеев, И.К.Махновский, К.К.Фасуллати, С.Н.Алимухамедов, Ш.Т.Хўжаев услубларидан фойдаланиб бажарилган.

Хўжалик самарадорлиги тажриба ўтқазилган жойларда ҳимояланган ва ҳимояланмаган дарахтлардаги ҳосилни ўлчаб кўриш йўли билан аниқланди. Яъни, ўртача ҳар бир дарахтдан олинган ҳосил бир гектардаги кўчат сонига кўпайтирилиб умумий ҳосилдорлик аниқланган. Маълумки, бу биологик хўжалик ҳосилдорлиги бўлиб ҳисобланади. У даладан олинадиган умумий (“вал”) ҳосилдорликдан назарий аниқлиги билан фарқланиши мумкин. Ҳар гектардаги кўчат сони эса, мевали дарахт турини ҳар хил усулда (экстенсив ва интенсив) экишга боғлиқ бўлиб, 280 тадан 2000-2240 мингга тенг бўлиши мумкин.

Лаборатория ва дала тажрибаларида техник ҳамда биологик самарадорлик назорат вариантини ҳисобга оладиган W.S.Abbott (1925) формуласига мувофиқ аниқланди. Олинган натижалар К.А.Гар, Б.А.Доспехов ва Г.Ф.Лакин услублари ёрдамида математик ва статистик таҳлил қилинди. Олоҳида ҳолатларда “ўртача хатоликни” ( $\check{S} \pm m$ ) ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилган.

Диссертациянинг **“Тошкент ва Наманган вилоятларидаги уруғ мевали боғларда учровчи куяларнинг тур таркиби ҳамда доминант турларини ўрганиш”** деб номланган учинчи боби республиканинг Тошкент ҳамда Наманган вилоятларининг тоғ олди ва тоғлиқ шароитларида жойлашган уруғ мевали боғларни зарарловчи куя ҳашаротларининг тур таркиби, ривожланиш хусусиятлари ҳамда зарарини ўрганишга бағишланган.

Кузатув ва тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳар иккала вилоят шароитларида капалак ҳашаротларнинг 6 та оиласига (*Yponomeutidae*, *Cemistomidae*, *Coleophoridae*, *Argyresthiidae*, *Gracillariidae* ва *Lithocolletidae*) монанд жами 7 та турга оид куя турлари мавжудлиги аниқланган. Буларнинг орасида қуйидаги ҳамма 7 таси Тошкент вилоятининг тоғ олди шароитларида аниқланган: олма куяси (*Yponomeuta malinellus* Zell.), мева

куяси (*Yuponomeuta padella* L.), ғилофли куя (*Coleophora hemorobiella* Scop.), дўлана гирдак куяси (*Cemiostoma scitella* L.), четан куяси (*Argyresthia conjugella* Z.), барг устки ғовакловчи мева куяси (*Lithocolletis corylifoliella* Haw.) ва олма барг ости ғовак ясовчи куяси (*Lithocolletis purifoliella* Grsm.). Наманган вилояти шароитида уруғ мевали дарахтларда фақат четан куяси аниқланмаган (1-жадвал).

Наманган вилояти шароитида куяларнинг 6 та тури, Тошкент вилоятида эса 7 та турининг мавсумий ривожланиш хусусиятлари ўрганилиб, фенологик календари тузилди (2-жадвал). Бу чизмада ҳар бир турнинг баҳорда уйғониши, авлод сони ва қишлашга кетиш муддати ва динамикаси ўрин топти. Булар эса қарши курашни самарали уюштиришга замин бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экстенсив ёки интенсив равишда ўстирилаётган олма навлари фарқ қилмаган ҳолда, куялар билан зарарланиши ўртача 20% дан ошганда иқтисодий зарарли миқдор мезони вужудга келиб, ҳимоя ишловини ўтказиш иқтисодий ўзини оқлаши аниқланган.

#### 1-жадвал

#### Турли вилоятларда уруғ мевали боғларда учрайдиган куя турлари

(Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган фермер хўжаликларида кузатиш, 2023 й.)

Куяларнинг турлари ва оиласи	Тошкент вилояти	Куяларнинг учраш даражаси, %	1 авлодининг ривожланиш давомийлиги, кун	Мавсумда авлод сони, марта
Олма куяси – <i>Yuponomentidae</i>	+	19,7	115-131	1
Мева куяси – <i>Yponomeutidae</i>	+	16,1	113-125	1
Дўлана гирдак куяси – <i>Cemiostomidae</i>	+	21,3	35-61	3
Ғилофли куя – <i>Coleophoridae</i>	+	17,3	125-143	1
Барг устки ғовакловчи мева куяси – <i>Gracillariidae</i>	+	8,3	35-56	3
Олма барг ости ғовак ясовчи куяси – <i>Gracillariidae</i>	+	6,1	35-51	3
Четан куяси – <i>Argyresthiidae</i>	+	11,2	117-134	1

Диссертациянинг “**Боғ агробиоценозида зарарли куялар билан боғлик энтомофауна, уларнинг хилма-хиллиги, самарадорлиги ва инсектицидларга сезгирлиги**” деб аталган тўртинчи бобида боғларда учровчи фойдали энтомофауна, уларнинг шаклланиши, зичлиги, куяларга қарши курашда самарадорлиги ҳамда боғларда ишлатиладиган пестицидларга нисбатан сезгирлигини ўрганишга бағишланган.

Боғ агробиоценозларида жами тўрт туркум ва саккиз оилаларга мансуб ўттиз еттита энтомофаг турлари аниқланган (3-жадвал). Улардан 7-та тури йиртқич ҳамда 30-та тури яйдоқчи эканлиги маълум бўлди. Март ойининг иккинчи декадасидан йиртқич энтомофаглардан *Coleoptera* туркуми ва *Coccinellidae* оиласига мансуб *Adonia variegata* L., *Coccinella undecimpunctata* L., *C. septempunctata* L., *Calosoma sycophanta* L. ва *Neuroptera* туркуми, *Chrysopidae* оиласига мансуб, *Chrysopa carnea* Steph., *Ch. dubitans*



Ncl, *Ch. septempunctata* Var. турлари мавсум бошидан то сўнгигача куялар ва бошқа турдаги зараркундалар билан озиқланганлиги кузатилди. Ушбу йирткич энтомофаглар Тошкент вилоятининг денгиз сатҳидан 1200-1500 м баландликда бўлган шароитларда зичлиги янада юқори бўлиши кузатилган. Яйдоқчи (паразит) кушандаларнинг турлари умумий оилалар орасида куйидагича тақсимланди: браконидлар – 22 %, тахиналар – 16 %, трихограмматидлар – 11 %, ихнеумонидлар – 10 %, энциртидлар – 8 % ва халцидлар – 6 %.

Шундай қилиб, яйдоқчи кушанда ҳашаротлар орасида куяларнинг тухум ва куртларига қирғин келтирувчилардан браконид, тахинид, трихограмматид ва ихнеумонидларнинг салмоғи ортик бўлганлиги аниқланган.

Амалий энтомологияда боғларда тарқалган куя ҳашаротларига қарши биологаторияларда кўпайтирилган 3 хил энтомофаг (трихограмма, бракон ва олтинкўз) далага тарқалиши мумкин. Лекин уларга эҳтиёж пайдо бўлганида дарахтларга пестицид сепилган бўлиб, уларнинг зарарли таъсирига дуч келиши мумкин. Шунинг учун, ҳар бир кушанданинг бу дориларга нисбатан сезгирлиги ўрганилиб, дори сепилганидан неча кун кейин кушандани ҳавфсиз тарқатиш мумкинлиги ўрганилиб борилади. Бизнинг тадқиқотларимизда бу мақсадда биз ўрганган 3 хил биологик инсектицид, кимёвий асосга эга бўлган андоза – Нурелл Экстра билан таққослаб ўрганилди ва куйидаги хулоса қилинди.

Микробиологик асосга эга: Матрин Био (1,0-1,5 л/га), Crompton KS (0,25 л/га) ва Радиант (0,5 л/га) инсектицидлари олтинкўз, бракон ва трихограмма кушандаларининг етук зотлари учун кам таъсирчан бўлиб чиқди. Шунинг учун: Матин Био ишлатилган далага шу кушандаларни (эҳтиёж пайдо бўлганида) 1-3 кундан кейин, Crompton KS сепилганида эса – 3-6 кун, Радиант – 4-7 кундан кейин ҳавфсиз ишлатиш мумкин. Кимёвий асосга эга – Нурелл Экстрим (0,7 л/га) ишлатилган пайкалга эса 14-16 кундан кейин тарқатиш мумкин.

Диссертациянинг **“Экстенсив ва интенсив боғларда учровчи куялар оила вакилларига қарши уйғунлашган кураш чораларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини аниқлаш”** деб намланган бешинчи боби уруғ мевали боғларда учровчи куя-ҳашаротларга қарши ўзида турли усул ва воситаларни қамраган уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини (УХҚТ) такомиллаштиришга бағишланган. Маълумки, бу тизим биринчи галда, махсус сарф-ҳаражатларни талаб этмайдиган агротехник тадбирларини ўтказишни талаб этади. Боғларда булардан бири – бу боғ тупроғи таркибида дарахтлар талабига жавоб бериш даражасида турли органик ҳамда минерал моддаларнинг мавжудлигидир. Шунинг учун, биз тажриба қўйилган боғларда бу масалани ўрганиб бордик. Тупроқдаги макро ва микро элементларнинг борлиги ва миқдорини аниқлаш учун Буюк Британияда яратилган *“Palintest mobil”* ускунасидан фойдаландик. Бу аппарат ёрдамида Тошкент ва Наманган вилоятлари шароитларида тажриба ўтказилган далаларда намуналар олиниб, унда N, P, K ва микро ўғитлар миқдори ҳамда олинган натижаларга кўра қўшимча озиқлантириш меъёри аниқланди. Олинган натижаларга кўра, боғ тупроқларини макро ва микро элементлар билан бойитиш бўйича чоралар кўрилди. Натижада, дала

**Турли вилоятларда уруғ мевали боғларда учраган йиртқич ва паразит  
энтомофагларнинг туркум, оила ва учраш даражалари  
(Тошкент ва Наманган вилоятлари шароитида, 2019-2023 йй.)**

Туркум ва оилалар	Турнинг систематик ўрни	Учраши	
		Тошкент вилоятида	Наманган вилоятида
Туркум	Hymenoptera		
Оила	<i>Encyrtidae</i>		
	<i>Ageniaspis fuscicollis</i> Dalm.	+++	++
Оила	<i>Ichneumonidae</i>		
	<i>Mastrus</i> sp.	+++	+
	<i>Liotryphon punctulatus</i> W.	+++	+++
	<i>Pimpla examinador</i> F.	+++	++
	<i>Diadegma larinella</i> Strobl.	+++	+++
	<i>Pimpla alternans</i> Grav.	+++	+++
	<i>Angitia armilata</i> Grav.	++	+
	<i>Hemiteles transcaspicus</i> Kok.	+	+
	<i>Pristomerus orbitalis</i> Homg.	+++	++
	<i>Odontomerus</i> sp.	+++	+
Оила	<i>Trichogrammatidae</i>		
	<i>Tr. evanescens</i> Westw.	++	++
	<i>Tr. embryophagum</i> Htg.	+++	++
	<i>Tr. cocceciae</i> March.	+++	+
Оила	<i>Braconidae</i>		
	<i>Agathis umbelatum</i> Hees	+++	++
	<i>Chelonellae laephila</i> Silv.	++	+
	<i>Bassus pumila</i> Ratz.	+++	++
	<i>Bracon praecox</i> Wesm. var. <i>rotundatus</i> Szep.	+	+
	<i>Bracon hebetor</i> Say.	+++	+++
Оила	<i>Chalcididae</i>		
	<i>Habrocytus hyponomeuta</i> Masi.	++	+++
	<i>Dibrachus cavus</i> Wik.	+	+
	<i>Tetrastichus evonimella</i> Bche.	+++	+++
	<i>Monodontomerus dentipes</i> Bche.	++	+++
	<i>Monodontomerus aureus</i> Wik.	+	++
	<i>Habrocytus</i> sp.	+	+
	<i>Pleurotropis</i> sp.	+	+
	<i>Euplemus urozonus</i> Dalm.	++	+
	<i>Euplemus microzonus</i> Fonsc.	++	+
	<i>Brachymeria regulosa</i> Foerst.	++	+
Туркум	Coleoptera		
Оила	<i>Coccinellidae</i>		
	<i>Adonia variegata</i> L.	+	+
	<i>Coccinella undecimpunctata</i> L.	+++	+++
	<i>C. septempunctata</i> L.	+++	+++
	<i>Calosoma sycophanta</i> L.	++	+
Туркум	Neuroptera		
Оила	<i>Chrysopidae</i>		
	<i>Chrysopa carnea</i> Steph.	+++	+++
	<i>Ch. dubitans</i> Ncl.	++	+
	<i>Ch. septempunctata</i> Var.	++	+++
Туркум	Diptera		
Оила	<i>Tachinidae</i>		
	<i>Tachina magnicornis</i>	+++	+++
	<i>Exorista tarvarum</i>	+++	++

(+ кам) (++) ўртача) (+++ кўп)

назорати натижаларини инобатга олиб қўшимча ўғитланган боғлардан олинган ҳосилдорликни ҳажми ва сифати ошган.

Айрим куя зараркунандаларининг боғда мавжудлиги ҳамда мавсумий ривожланиш фенограммалари уларнинг ихтисослашган феромон тутқичлари (ФТ) ёрдамида аниқланди. Тошкент вилоятининг “Бурчмулла” давлат ўрмон хўжалигининг Чотқол бўлимида 2019-2023 йиллар давомида олманинг “Голден делишес” навида куя, баргўровчилар ҳамда бошқа йўлдош зараркунандаларга қарши лабораторияларда кўпайтирилган трихограмма, бракон ҳамда олтинкўз кушандаларини тарқатиб, самараси ўрганилди. Натижада ўртача самара кўрсаткичлари 5-чи кунга – 30,1%, 10-чи – 37,1%, 15-чи – 43,3% ва 20-чига – 45,9% ни ташкил қилди. Ушбу натижалар шуни кўрсатдики, сунъий ишлатиладиган биологик усул зараркунандаларнинг табиий зичлиги юқори бўлмаган шароитда, уни янада пасайтириб ИЗММ даражасида ушлаб туради аммо, бошқа вазиятларда кимёвий ишловни инкор этмайди.

Куя-зараркунандаларига қарши курашиш мақсадида УЎҚТ га киритиш учун микробиологик асосга эга бўлган инсектицидлар билан бир қаторда янги истиқболли кимёвий инсектицидларни ҳам синаб кўрилди. Бу тадқиқотлар 2022 ва 2023 йилларда Тошкент вилояти шароитида ўтказилди, тажрибадаги дорилар турли соф моддаларга эга ва кемирувчи зараркунандаларга қарши синаш учун тавсияланган эди. Булар кам захарли, турғун эмас ва нисбатан тез парчаланиб кетадиган инсектицидлардир. Дала ишлови ТАС-600 пуркагичи ёрдамида ҳар гектарга 600-800 л сув сарфлаб ўтказилди. Дарахтларда кузатилган зараркунанда зичлиги ва уларнинг динамикаси ҳамда назоратга нисбатан олинган биологик самарадорлик 4-жадвалда келтирилди. У ердан кўришиб турганидек, қуйидаги инсектицидлар 21 кун давомида андоза – Нурелл Экстримдан (0,7 л/га) қолишмаган ҳолда юқори ва қониқарли

#### 4-жадвал

#### Уруғ мевали боғларда учровчи куяларга қарши турли гуруҳга мансуб инсектицидларнинг биологик самарадорликлари

(Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “О‘қтамбой Нортоу бог‘и” фермер хўжалиги, 5,0 га. ТАС 600, 600-800 л/га., 2023 й.)

Тажриба вариантлари	Препаратнинг сарф меъёри, л(кг)/га	3-модел дарахтдан йиғилган 100 баргдаги қуртларнинг ўртача сони, дона					Самарадорлик (%) кунларга			
		Дори сепилгунча	Дори сепилганидан кейинги кунларда				3	7	14	21
			3	7	14	21				
Назорат(ишловсиз)	–	368,7	371,8	375,2	379,6	386,4	–	–	–	–
Стомпон КС, 48% эм.к.(Спиносад)	0,25	352,4	91,6	31,4	53,7	78,3	74,2	91,2	85,2	78,8
